

ТАЛАБАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК САВОДХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Джамшид Сайтмуротович Умаров

Низомий номидаги ТДПУ эркин тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6850395>

Аннотация. Мақолада талаба-ёшларнинг фуқаролик саводхонлигини шакллантириши педагогика фанининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири эканлиги ва ушбу муаммонинг ечими аввал “фуқаро”, “фуқаролик”, “шахснинг фуқаролик саводхонлиги” “талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлиги”, “ҳуқуқий иммунитет”, каби тушунчаларни аниқлашни талаб қилиши кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: талаба-ёшлар, фуқаро, фуқаролик, ҳуқуқ, саводхонлик, қонун, ҳуқуқий жамият, фуқаролик маданияти, шахс, оила, таълим, ҳуқуқий онг.

РОЛЬ ПРАВОВОГО ВОСПИТАНИЯ В РАЗВИТИИ ГРАЖДАНСКОЙ ГРАМОТНОСТИ СТУДЕНТОВ

Аннотация. В статье показано, что формирование гражданской грамотности учащихся является одним из важнейших аспектов педагогики, и решение этой задачи требует определения таких понятий, как «гражданин», «гражданство», «гражданская грамотность человека», «правовая грамотность учащихся», «правовой иммунитет».

Ключевые слова: студенческая молодежь, гражданин, гражданство, право, грамотность, право, правовое общество, гражданская культура, личность, семья, воспитание, правосознание.

THE ROLE OF LEGAL EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF CIVIC LITERACY OF STUDENTS

Abstract. The article shows that the formation of civic literacy of students is one of the most important aspects of pedagogy, and the solution of this problem requires the definition of such concepts as "citizen", "citizenship", "civil literacy of a person", "legal literacy of students", "legal immunity".

Keywords: student youth, citizen, citizenship, law, literacy, law, legal society, civic culture, personality, family, upbringing, legal consciousness.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳуқуқий жамиятни барпо этишга йуналтирилган. Ҳуқуқий жамиятни барпо этишнинг асосий шартларидан бири фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг фуқаролик маданиятини шакллантиришдир. Фуқаролик маданияти шахс онгининг юксак даражада ривожланганлиги булиб, у оила, таълим муассасалари ҳамда ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон фармонида ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбўзарликларга нисбатан муросасизлик

хиссини уйғотиш масалалари белгилаб қўйилди. Ҳуқуқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, ўзвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс фуқаролик ҳуқуқига оид билимини ривожлантириш гарови ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий таълим талабаларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар, шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимлашган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, ўзлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

Я.Б.Кадированинг тадқиқот ишида ҳуқуқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқ, аъзолик, ўзаро боғлиқлик ва диалектик хусусиятга эга бўлиб, шахснинг фуқаролик ҳуқуқи бўйича билимларини ривожлантириш кафолати ҳисобланади. Талабаларга ҳуқуқий нормалар, қонунлар, шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тизимли билимлар бериш, уларнинг ҳуқуқий билимга бўлган эҳтиёжини қондириш, ҳуқуқий онгни тартибли шакллантириб бориш зарурлигини таъкидлаган.

Талаба-ёшларнинг фуқаролик саводхонлигини шакллантириш педагогика фанининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, ушбу муаммонинг ечими аввал “фуқаро”, “фуқаролик”, “шахснинг фуқаролик саводхонлиги” “талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлиги”, “ҳуқуқий иммунитет”, тушунчаларини аниқлашни талаб қилишини кўрсатиб ўтилган.

Буларга тадқиқоти “фуқаролик саводхонлиги” тушунчаси “фуқаро” сўзидан ҳосил қилинган “фуқаролик” атамаси ва “саводхонлик” атамасидан ташкил топади деб кўрсатиб ўтган. Мазкур тушунчанинг мазмунини асослаш эса “фуқаро” ва “фуқаролилик” тушунчаларининг мазмунини очиқ беришни талаб этади.

Шунингдек “фуқаро” сўзи тарихий илдизларга эга бўлиб, фуқаро сўзини қуйидагича талқин этганлигини кўриш мумкин: Буларга биринчидан, мазкур давлатнинг аҳолисига тегишли бўлган, унинг ҳимоясидан фойдаланувчи ва ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятлар мажмуига эга бўлган шахс. Иккинчидан, фуқаролиликка эга инсон. Мазкур тушунчага асосан, фуқаролилик бу фаол шахсларнинг ўз фуқаролик мажбуриятларини, фуқаролик бурч ва маъсулиятларини онгли бажариши, ўз фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларидан оқилона фойдаланишидир.

Бугунги кўпгида замонавий илмий адабиётларда талабаларни, фуқаролик саводхонлиги асосида тарбиялаш масалаларига қаратилган илмий қарашлар тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, ҳозирги вақтда илмий, саноат ва мудофаа саноатини қайта тиклаш ва ижтимоий жараёнларни барқарорлаштириш жараёнида ушбу жараёнларнинг асосий иштирокчилари - ҳуқумат, тадбиркорлик ва фуқаролик жамиятининг кенг тармоқлари вакили бўлган фуқаролик жамияти тузилмалари фаолиятидаги уйғунлик аҳоли - доимий равишда амалга оширилиши керак. Бу шуни англатадики, маҳаллий уйғунлаштириш жараёнлари тобора кенгайиб, йирик глобал тизимларни қамраб олади. Шу сабабли, ушбу муаммони ўрганиш жараёнида рақобатбардош мутахассисни самарали тайёрлаш ва тарбиялаш учун тобора такомиллашган фуқаролик саводхонлигини кучайтиришга қаратилган тарбиявий ёндашувларни топиш зарур.

Чунки, яхши ташкил этилган таълим-тарбия талабаларни ҳаётдаги қуйидаги асосий ролларга – фуқаро, ишчи, оилапарвар инсон ролига тайёрлаши кераклигини

билдиради. Фуқаролик роли нималар билан боғлиқ бунга қисқача тўхталадиган бўлсак: ҳар бир фуқаро, фуқаролик бурч ва маъсулиятларини бажаришлари лозимдир. Зеро, мамлакат, жамият, ота-оналар олдидаги бурч ҳисси, миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуси, қонунларни ҳурмат қилишлари, асосий бош қомусимиз Конституция, давлат рамзлари (герб, байроқ, мадҳия)ни ҳурмат қилиш, ҳар бир онгли фуқароларнинг мамлакат тақдирига жавобгарли, мамлакат миллий бойликларига, миллатнинг этник шакилланиши, тил, маданият, анъаналарга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, улардаги ҳуқуқий саводхонлик каби фазилатларни шакиллантиради. Шу тариқа, ёшларни фуқаро сифатидаги фазилатларини шакиллантириб бориш мумкин. Чунки бугунги глобллашув шароитида ёшлар ва миллий этник, ҳуқуқ масалалари ижтимоий маданият феномени сифатида бир қанча илмий йўналишларда долзарб аҳамият касб этиб, антропология, этнология, сотсиология, педагогика фаниларида алоҳида ўрин эгаллайди. Талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантириш уларнинг етуклиги ва таълим-тарбия курганлигини англатувчи педагогик категория ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам у ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун, хусусан, фуқаролик жамияти учун аҳамиятлидир. Чунончи, фуқаролик маданияти ўқувчи шахсидаги инсоний фазилатларни, кадр-қимматни, иймон-этикодни оширувчи таълим-тарбиянинг меваси ва маънавиятли инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дир. Зеро, фуқаролик саводхонлик Ватанга, жамиятга, тилга, урф-одатларга, тарихга бўлган муносабатларда, хатти-харакатларда, хулқ меъёрлари ва қоидаларида ифодаланувчи ходиса ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фуқароларнинг яшаш тарзлари, маънавий маданиятлари, юксак ахлокий фазилатлар билан бир қаторда буюк сиймолари уларнинг асарларида ўз аксини топган.

Абу Хамид Ғаззолий ўзининг “Муҳокамат-ул кулуб” (“Қалблар кашфиёти”) асарида фуқароларнинг яшашдан мақсадлари, бурчлари ҳамда мазмунли ҳаёт кечиришлари учун қандай фазилатларни ўзларида мужассам эта олишлари лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Имонли бўлиш, сабр, нафси тарбиялаш, ғафлатда қолмаслик, яхшиликка ундаш, раҳм-шафқат, шукур қилиш каби сифатларни юқори ахлокий фазилат кўринишлари деб ҳисоблайди. Шунингдек, Ғаззолий томонидан эътироф этилган фуқаролик маданиятига хос кўп фазилатлар Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ўзига хос мазмунда ривожлантирилди. Бобур асарларида ва айниқса, “Бобурнома” асарида ҳар бир инсоннинг инсонийлик хусусиятлари ўта даражада аниқлик билан баён этилган.

Фуқаролик жамиятда, биринчидан, давлат мустақиллиги ва фуқаролик давлатни шакллантириш шунчаки муайян ислоҳотлар такомиллаштиришдан, бўзилишларга барҳам беришдангина иборат эмас, балки ялпи тоталитар тўзумдан, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан демократик фуқаролик жамиятга ўтишдан иборатдир дия фикр билдирган А. Агзамходжаев. Шу билан бирга умуминсоний кадриятлар, демократия, инсон ҳуқуқлари биринчи ўринга кўтарилиши лозимдир дия таъкидлайди. Шунингдек, Р.Маҳмудов таъкидлашича, агар жамиятнинг фуқаролик маданияти жамият аъзоларининг

конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ва кафолатланган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мавжудлиги билан ҳам, қонунийликнинг ҳолати билан ҳам белгиланса, шахснинг фуқаролик маданияти биринчи навбатда шахс ижтимоий фаолиятида ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қандай рўёбга чиқараётганлигини кўрсатади кўрсатади. Шахснинг фуқаролик маданиятини шакллантиришнинг муҳим босқичи унинг ҳуқуқ соҳасидаги кадрлар ва меъёрларни мўлжаллаб иш тутушидан иборатдир. Бундай иш тутиш ҳар бир шахсда фуқаролик маданиятнинг йўналтирувчи вазифасини амалга оширишга ёрдам беради. В.М. Межев фуқаролик жамият деганда фуқаролик жамияти остида “шахсларнинг махфий бўлмаган балки оммавий ҳаётлари соҳасидаги ҳамкорликдаги ҳатти-ҳаракатлари”ни тушунади.

Фуқаролик жамият вакили сифатида инсоннинг психологик тавсифлари А.Г.Асмоловнинг таълимни ижтимоий-маданий модернизациялаш стратегиясида кўрсатилади. Биз шахснинг фуқаролик жамияти вакилига хос бўлган хислат-фазилатлари таърифи орасида фуқаролик саводхонлигини ва ҳуқуқий имунитетини ривожлантириш такомиллаштириш каби хусусиятлар бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. С.Б. Савелова ва В.Л. Абушенколар фикрига кўра, замонавий инсон-фуқаро нафақат ўз эҳтиёжлари, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини қондириш, балки ўз ҳаётини ҳам бошқалар ҳаёти учун жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олишларини алоҳида таъкидлаганлар.

Ижтимоийлашув мақсадлари нуктаи назаридан, замонавий таълим тизими шахснинг фуқаролик саводхонлигини ривожланишини таъминлаши шарт. Фуқаролик саводхонлигини ривожлантириш – бу шахснинг демократик жамиятда иштирок этишда шаклланган қобилиятидир.

А.С. Гаязов фикрларига кўра, фуқаролик умумий моделини мафкуравий, ҳуқуқий, касбий, фуқаролик-сиёсий, миллий-маданий, маънавий, ахлоқий, экологик, фазилатларида намоён бўлади.

Натижада талабардаги фуқаролик саводхонликни, жисмоний ва руҳий саломатликни ривожлантиради, касбий ва шахсий ўзлуксиз ўз-ўзинитакомиллаштиради, шахсий қизиқишларини кучайтиради, оила ва меҳнат жамоасида ватанпарварлик, ахлоқиликни намоён этиб боради.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Инсон ҳаётда, меҳнат фаолиятида қанчалик фуқаролик маданиятига эҳтиёж сезса ва уни эгаллашга қанчалик тез ҳаракат қилса, у шунчалик ўз шахсидаги нуқсонларни бартараф этиб, камолотга эришади. Бу жамият учун ҳам шахснинг ўзи учун ҳам қимматлидир.

Талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантириш - уларга мустақил давлат тўзимасининг тавсифи, мамлакатнинг халқаро майдонда тутган ўрни, ватанпарварлик ва байналминаллик туйғулари, Республика иқтисодиётини ривожлантириш йулида амалга оширилаётган ижтимоий ҳаракат, меҳнат анъаналари, миллий истиқлол ғояси ва мафкура асослари ҳақидаги билимларни бериш асосида уларда фуқаролик хиссига эгаллик, зиммаларидаги бурч ва мажбуриятларни бажаришга нисбатан масъулият, ёт мафкуравий

карашларга нисбатан иммунитет, ижтимоий фаоллик ва фидоийлик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган тарбия жараёни ҳисобланади.

Талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантиришнинг манбалари ва методик таъминотини ўрганиш натижасида бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллар асосланди. Қуйидаги омиллар талабаларда фуқаролик ва фуқаролик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга:

1) ижтимоий-ғоявий омиллар: жамиятда шаклланган маънавий- ахлоқий мухит; ижтимоий муносабатлар мазмуни ва унда етакчи ўрин тутувчи миллий ғоя асослари; тарихий мерос; утмиш сабоқларидан чиқарилган хулосалар; хорижий мамлакатлар тажрибаси; таълим муассасалари фаолиятининг мазмуни ва йуналишлари; жамият аъзоларининг турли соҳаларда курсатган қаҳрамонлик намуналари; ижтимоий-ғоявий мазмундаги адабиётлар;

2) иқтисодий омиллар: мамлакатнинг ер усти ва ер ости бойликлари; жамият тараққиётининг иқтисодий йуналиши; эркин рақобатга асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари; жамият фуқароларининг янгича иқтисодий тафаккурга эга бўлишлари; аҳолида меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан ижобий муносабатнинг қарор топганлиги; ишлаб чиқариш жараёнида эришилган ютуқлар;

3) маданий омиллар: миллий-маданий мерос намуналари; илм-фан, техника ва технология тараққиёти, бу йуналишда яратилган кашфиётлар; санъат ва спортда эришилган жаҳоншумул ютуқлар.

Талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантиришда уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Талабаларнинг фуқаролик саводхонлигида ҳуқуқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқ, узвий алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс фуқаролик саводхонлигига оид билимни шакллантириш гарови ҳисобланади.

Талабаларида фуқаролик маданиятининг шакллантиришида қуйидаги жиҳатларни акс этади:

Талабаларнинг Ватанга, ўзгаларга ва ўзига муносабати. Унга кўра талабаларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш асосида фуқаролик маданиятини шакллантириш назарда тутилади.

Ҳуқуқий маданият одамнинг ўзига ҳам боғлиқ: унинг жамият манфаатларига муносабати, билим даражаси, дунёқараши, иймон-этикоди, ахлоқ-одоби ҳал қилувчи омиллардандир. Ҳуқуқий маданият фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдан иборат эмас, балки, қонунларга амал қилиш ва уларга буйсуниш маданиятини ҳам талаб этади.

Ҳуқуқий маданият оилада болалиқдан таркиб топади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланганидек, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш бош мақсад қилиб куйилган экан, ҳар қандай ҳаётий ишлар, улар айрим шахсларга тегишли буладими ё жамоаларга, бундан катъий назар, фақат қонунлар асосида ҳал қилинади. Бошқача айтганда, қонун олдида ҳамма баробар. Мана шундай

давлат барпо этиш учун қонунлар мукамал бўлиши зарур. Ижтимоий субъектларнинг умумий маданияти, жумладан, фуқаролик маданияти ҳам ана шуларга боғлиқ.

Ҳуқуқий билимга эга бўлиш ҳаётда ута муҳим бўлган икки масалани ҳал этади: биринчидан, ўз обриси, салоҳиятига эга мустақил давлатимизнинг тараққий этишига хизмат қилади. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият- демократик жамият пойдевори ҳамда фуқаролик етуқлигининг ифодаси: иккинчидан, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, вояга етмаганлар жиноятчилигига барҳам бериш борасида қўйилган муҳим қадам бўлади. Яъни, ҳуқуқий таълим-тарбия ёш авлодда фуқаролик тарбиясининг муҳим шартларидан бўлиб, жиноятчиликка қарши курашда зарур халқани ташкил этади. Натижада унинг келиб чиқиш омилларига жиддий зарба беради.

Демак, ижтимоий ҳаётда фуқаролик маданиятининг шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш ўта муҳим. Бу эса бир томондан, жамиятнинг ривожланишига таъсир этса, иккинчи томондан, шахс (фуқаро) манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради ва ҳар иккиси жамият ҳамда шахснинг биргаликдаги манфаатларига тула мос келади. Шу боис ҳуқуқий маданиятни кенг қуламда ташкил этиш - фуқаролик маданиятини шакллантиришда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Фуқаро ҳуқуқий маданиятнинг асосий хусусиятларига қўйидагилар қиради:

- ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданияти у яшаётган жамиятга таъсир этиб, унинг тараққиётини ривожлантириши ёки секинлаштириши мумкин;

- натижада жамият тараққиёти мазмунан бойиб боради ва қисман кейинги тўзумларда ҳам сақланиб қолади;

- ҳар бир фуқаро ўзида энг илғор ғояларни намоён этиб, ҳуқуқий қоидаларни ўзгартириши мумкин;

- ҳуқуқий маданият жамиятнинг илгарилаб, такомиллашиб боришига ўз таъсирини ўтказди. Жамият ҳамда давлат томонидан қабул қилинган ҳамда кучга киритилган қонунлари, қоидалари асосида бошқарилишига имкон яратади.

Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий кадрият, ҳуқуқий меъёр, ҳуқуқий анъана, шунингдек, ҳуқуқий фаолият каби таркибий қисмларга бўлинади. Натижада фуқаролик маданиятини шаклланишига туртки бўлади.

МУҲОКАМА

Шахс ҳуқуқий маданияти аввало, унинг ақлий, ахлоқий ҳамда рухий етуқлиги, камолати билан белгиланади. Шу боис маънавий маданиятнинг таркибий қисмлари ҳисобланган маданият турлари билан ўзаро боғланган ҳолда намоён бўлади. Хусусан, у ахлоқий маданиятдан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Чунки ҳар икки маданият ҳам ижтимоий муносабатлар, ижтимоий онг ва маълум қоидалар доирасида шаклланади. Ахлоқий қоидаларни билиш, уларга қатъий риоя этиш ҳуқуқий маданиятни тарбиялайди. Чунончи, оилада ота-она ва оиланинг бошқа аъзоларини ҳурмат қилиш, ўз навбатида фарзанднинг ота-она олдидаги ҳуқуқий бурчларини англаши, оиланинг бошқа аъзолари ҳақ-ҳуқуқлари, шаъни ва обрусини сақлаш каби ҳуқуқий мазмунга эга сифатларни ҳам

тарбиялашга замин яратади.

Зеро, ёшлар оросидаги энг юксак инсоний ахлоқий-маънавий фазилатларни шакллантира олгандагина ёшларда жамият, давлат, оила олдидаги фуқаролик бурч, мажбурияти ва маъсулиятини шакллантира олиш мумкин.

1. Фуқаро шахсининг маънавий-ахлоқий қиёфаси дейилганда, талабаларда миллий мафкура, иймон-эътиқод, Ватанга фидойилик ҳислатларини шакллантириш назарда тутилади.

2. Фуқаронинг эстетик тарбияланганлик даражасида, миллий ва умуминсоний маданият мазмунида акс этган гўзалликларни кура билиш, ҳис этиш ва уларни асраб-авайлаш, маданий обидалар, санъатдаги муъжизаларни ҳурматлаш ҳиссини тарбиялаш кўзда тутилади.

3. Талабаларнинг чинакам фуқаро маънавий юксак инсон булиб вояга етишларида, жисмонан ва ақлан баркамол маданиятини эгаллаш уринлидир. Шунингдек, фуқаролик маданиятини шакллантиришнинг муҳим томони миллий меросни кунт билан урганиш, ҳар бир миллатнинг урф-одати, анъаналарига содиқ ва ижобий муносабатда бўлишни тарбиялаш назарда тутилади.

Фуқарода миллий, маданий мерос намуналарини урганишга бўлган эҳтиёж, қизиқиш ва ҳурматни шаклланганлиги. Бунда, ҳар бир миллатнинг урф-одати, анъаналарига содиқ ва ижобий муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳисобга олинади. Фуқарода жамият равнақи, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги йулида меҳнат қилиш, курашиш ҳиссини тарбияланганлиги. Бунда таълим ва маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида талабаларнинг умумжамят манфаатларини шахсий манфаатлар билан уйғунлаштира олишларига эришиш назарда тутилади.

Демак, фуқаролик маданияти шахс зиммасидаги бурчларни чуқур англаган ҳолда жамият эҳтиёж, юрт тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш йулида амалга оширилувчи, амалий ҳаракатнинг натижаси ва умумий камолотининг юқори даражаси саналади. Олийгоҳларда ўқитилаётган туркум ижтимоий-гуманитар фанлар талабаларда фуқаролик маъсулиятини ҳис қилиш, фуқаролик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятига эга. Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича машғулотларни ташкил этилиши талабаларда юксак маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик ва бошқа сифатларни тарбиялайдики, улар ўз навбатида ҳар томонлама етук фуқарони камол топтиришда муҳим негиз бўлиб ҳизмат қилади. Инсоният ер юзида пайдо бўлибдики, доимо ва ҳамма замонларда эркин ва мустақил жамият қўришни, ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя этадиган тузумни орзу қилиб келган. Фуқаролик маданияти тарихан шаклланган ижтимоий ҳодиса бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир босқичида ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Ижтимоий жамиятда ҳар бир жамоа аъзолари табиий офатларга бўйсуниб, ўзаро муносабатда яшаганлар. Бу шароитда ҳукмронлик иктисодий жихатдан устунликка эга шахслар кулида булиб, жамоа аъзолари уларнинг мақсадлари, манфаатлари йулида меҳнат қилганлар шу сабабли жамоада устувор бўлган тартиб-қоидалари ҳам ҳукмрон

гурухларнинг манфаатлари нуктаи назарларини химоя қилган. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий жихатдан такомиллашуви натижасида фуқаролар уртасидаги янги муносабатлар, урф-одатлар шаклланди, улар мазмунан бойиди. Ижтимоий муносабатлар тобора инсонпарварлик хусусиятига эга була борди. Натижада ижтимоий-тарихий тараккиёт «фуқаролик» тушунчасини жамият аъзоларини истиқболи ва истиқлоли учун комиллик тарзда шакллантиришга қаратилган маданият ходисасига айлантирди.

Фуқароликнинг ижтимоий-тарихий келиб чиқиши асрлар мобайнида сайқалланиб келинган миллий урф-одатлар, расм-русумлар, удум ва анъаналарда намоён булади.

Шарқда демократия тушунчаси, ҳамжихатлик ғояси жамиятчилик фикрининг устуворлиги заминиди шаклланди. Дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётган Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий истиқлол ғояси шаклланди. Айни вақтда жамиятда “Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан юқори” тамойили ижтимоий муносабатлар йуналиши ва мазмунини белгилаб беришда етакчи ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон фуқароси ижтимоий мавқеининг тенглик, эркинлик, биродарлик, ўзаро ҳамкорлик, миллатлараро ўртоклик, дўстлик фуқароларни тенг ҳуқуқлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаллиги билан белгиланиши Ўзбекистон Конституциясида алоҳида эътироф этилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон таълим тизимини тартибга солувчи замонавий меъёрий ҳужжатларда фуқарони тарбиялашнинг муҳимлиги ва заруратига олоҳида ёндашилган. Зеро, таълим соҳасида давлатнинг етакчи принципларидан бири фуқаролиликни, меҳнатсеварликни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурматни, атрофдагиларга, табиатга, Ватанига, оиласига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳисобланади. Шунингдек:

- фуқаролик жамиятида фуқаролик ҳуқуқий саводхонлиги бўлиши кераклиги асосланди;

- “фуқаро”, “фуқаролилик” ва “саводхонлик” тушунчалари тўғрисидаги илмий қарашлар таҳлил қилинди.

- “фуқаро” ва “фуқаролилик” тушунчалари вақт ва маконга кўра муайян ўзгаришларга учрага очиб берилди.

- талабаларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларидан онгли равишда фойдаланиш масалалари очиб берилди. Шунингдек фуқарога хос бўлган сифатлар аниқланишга ҳаракат қилинди.

Талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш самарали эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақлифларга келсак, ҳар бир давлатнинг фаол фуқаросини ўзларини шу жамият ёки давлатнинг бир бўлаги сифатида ҳис этишларига эришишнинг оддий механизмларини ишлаб чиқиш;

Талабалар орасида “Мен фуқароликни қандай ҳис қиламан” мавзуларида бахс муноразази бинар дарсларини ташкил қилиш;

Олий ўқув юртларида доимий равишда “ҳуқуқий саводхонлик” ва “фуқаролик масулияти” каби танловлани ўтказиб бориш. Бу каби ишлар натижасида талабаларда Ватанига, оиласига, ўзига қолаверса ўзгалар ҳаётига бефарқ муносабатда бўлмасликга эришиш мумкин.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон фармони.
2. Bekmurodov M., Akhmedova F., Kadirova Kh. Study the Process of Harmonization Formation of Personal and Professional Qualities at Students. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*. Vol. 24, Special Issue 1, 2020 P. 597-605. DOI: 10.37200/IJPR/V24SP1/PR201197
3. Halima Kadirova. The Place Of Karakalpak Ethnoculture In The Integration Of Society. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*. Volume III Issue 4, April, USA - 2021, pp. 676-688. OI <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue04-110>
4. Kadirova. Ya.B. Issues of Civil Literacy Development in the Education System. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, pp 5477-5489. Retrieved from. 2021. Volume 25: Issue 4 (<https://www.annalsofrscb.ro/index.php/journal/issue/view/28>).
5. Kadirova. Ya.B. O‘quvchilarda fuqarolik savodxonligini rivojlantirish imkoniyatlari. // *Toshkent davlat pedagogika universiteti Ilmiy Axborotlari-Toshkent*, 2021. 1-son. B.105-110